# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 214 (8704). ● 7 ноябрь, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги!



Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишлаб Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлис.

В. Кругликов ва В. Парадин фотоси

## ИНҚИЛОБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНАДИ

### МОСКВА

Улуғ Октябрь социалистик революцияси оламшумул аҳамиятга молик ҳал қилувчи тарихий воқеа бўлди. Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилган Октябрь революцияси жаҳон тараққиётининг бош йўналиши ва асосий тенденцияларини белгилаб берди. Улуғ Октябрь капитализмнинг ўрнига янги, коммунистик формация келадиган енгилмас жараённинг бошланишига асос солди.

Мамлакатимиз мана шу шонли сана — 1917 йил 7 ноябрдан бошлаб катта ва қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Коммунистик партия совет халқини комил ишонч билан бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан бошлаб бормоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, экономика, социал ва сиёсий соҳалар, фан ва маданиятда эришилган катта муваффақиятлар СССРни ривожланган социализм босқичини очиб берган тарихий марраларга олиб чиқди. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида таъкидланганидек, кун тартибида социалистик жамиятни ҳар томонлама ва бутун чоралар билан такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан ғоят тўлиқ ва самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошлик иттифоқида дадил олға бормоқда. Совет кишилари истиқболга комил ишонч билан қарамоқдалар. Ижодкор халқ—бунёдкор халқ Ленин партияси ўртага қўйган вазифаларни қатъият билан ва изчил амалга оширмоқда.

6 ноябрь куни пойтахт корхоналарининг илғорлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, Москва атрофи меҳнаткашлари вакиллари кўтаринки, байрам кайфиятида Кремлнинг Съездлар саройига тўпланишди. Бу ерда халқ депутатлари Москва шаҳар Совети билан КПСС Москва шаҳар комитетининг Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аҳли **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Талызин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Президиумда Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Мозамбик Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ж. Чиссано ҳам бор эди.

Залда кўпгина ажнабий меҳмонлар, чет эллик дипломатлар ҳозир бўлишди.

Тантанали мажлисни Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари «Октябрь байроғи остида — социализмни такомиллаштиришнинг янги марралари сари» мавзуида доклад қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриковни самимий кутиб олдилар.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни садолари янграйди.

Сўнгра байрам концерти бўлиб ўтди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди. Концертда Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлишди.

* * *

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

### ТОШКЕНТ

Улуғ Октябрнинг сўнмас ёғдуси Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг бахтиёр келажаги йўлини нурафшон қилди. Республикамиз тарихан қисқа муддат ичида асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Шаҳар ва қишлоқлар умумхалқ байрамини қирмизи байроқлар, лоларанг транспарантлар билан кутиб олмоқда.

6 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига бағишланди. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи байрамона безатилган. Партия ветеранлари, республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш иштирокчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жангчилари бу ерга келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида КПСС билан Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон социал ва иқтисодий тараққиётда катта чўққиларни эгаллади, деб таъкидланди йиғилишда. Республиканинг революцион анъаналар руҳида тарбияланган шонли ўғил ва қизлари фашистлар Германияси устидан бундан қирқ йил муқаддам қозонилган Буюк Ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар, тинч меҳнатда ҳам оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошлик оиласида тенгларнинг тенги бўлган Совет Ўзбекистони қудратли индустрияга, ривожланган қишлоқ хўжалигига, илмий базага эга бўлиб, ана шу база негизида ғоят мураккаб вазифаларни бажаришга ҳам қодирдир. Совет Ўзбекистони бутун оламга машҳур адабиёт ва санъатга эгадир. Яратувчилик меҳнати натижасида шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, халқ турмушининг фаровонлиги узлуксиз юксалмоқда.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Устави (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан) СССРни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини маъқуллаган КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми якунлари совет кишиларининг ижодий ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди. Республика ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, халқ зиёлилари партия амалга ошираётган йўлни—фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилиш негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини қизғин маъқулламоқдалар. Улар КПСС ва Совет давлатининг тинчликни сақлаш, ядро хавфини бартараф этишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз сафларини Ленин партиясининг Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслаштириб, Ильич васиятларига астойдил содиқликларини, коммунистик бунёдкорлик ишига қўшадиган ҳиссаларини янада кўпайтиришга азму-қарор қилганликларини изҳор этмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, И. Ҳ. Жўрабеков, Ғ. З. Захритдинов, С. У. Султонова, В. И. Огарок, И. Қурбонов қатнашдилар.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчилари Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

(ЎзТАГ).

## ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА—СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

***Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишлаб 1985 йил 6 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда***

## *В. М. ЧЕБРИКОВ ДОКЛАДИ*

Ўртоқлар!

Россия пролетариати олтмиш саккиз йил муқаддам Ленин партияси раҳбарлигида энг камбағал деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб келажакка зафарона ёриб ўтди. Оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси содир бўлди.

Октябрь революцияси — социал адолат революциясидир. Бу революция меҳнат аҳли энг эзгу орзу-умидларининг, озодликка, тенгликка, бахт-саодатга интилишининг мужассам ифодаси бўлди. Одам-одамни эксплуатация қилиши, социал ва миллий ҳуқуқсизлик, ишсизлик ва саводсизлик ўтмишда абадий қолиб кетди. Тарихда илк бор шундай давлат бунёдга келдики, уни меҳнаткашларнинг ўзлари бошқармоқдалар, бу давлатда бирлашган барча халқларнинг дўстлиги мустаҳкам қарор топди.

Октябрь революцияси — бунёдкорлик, халқ бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик революциясидир. Бу революция меҳнати билан бевосита бойлик яратаётган кишиларни ишлаб чиқариш воситаларининг чинакам хўжайинлари қилиб, миллионларнинг истеъдоди ва ғайрат-шижоатини янги жамиятнинг моддий-техника базасини барпо этишга қаратди.

Октябрь революцияси — кишилар онгидаги чинакам революциядир. Бу революция меҳнат аҳлининг эркин ташаббускорлиги нақадар катта имкониятларга эга эканлигини, коллективчилик ва ўртоқликда, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмида, жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлигида нақадар қудратли куч борлигини яққол кўрсатди.

Октябрь революцияси — тинчлик манфаатлари йўлидаги революциядир. Урушга қарши, халқлар ўртасида тинчлик учун кураш ёш Совет ҳокимиятининг биринчи Декрети билан бошланган эди. Октябрь ғалабаси, Ленин сўзлари билан айтганда, урушларни йўқ қилиш ишининг биринчи ғалабаси ҳам бўлган эди.

Октябрь революцияси туфайли рўй берган кетма-кет ўзгаришлар планетанинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон социализм системаси вужудга келди. Мустамлакачилик империялари емирилди. Жаҳоннинг сиёсий харитасида ўнлаб ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Октябрь революцияси тарихнинг нотаниш йўлидан борган, биринчи беш йилликларнинг индустриал гигант корхоналарини барпо этган, коллектив қишлоқ хўжалиги асосларини яратган, Улуғ Ватан урушида қаттиқ туриб ғалаба қозонган, душман вайрон этган хўжаликни қайта тиклаган, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг табиий бойликларини ўзлаштирган, биринчи Ер йўлдошларини космик орбиталарга чиқарган кишиларнинг зафарларида яшамоқда. Революция социалистик жамиятни такомиллаштираётган, коммунизм барпо этаётган совет кишиларининг ишлари ва фикр-ўйларида давом этмоқда.

Ҳозир Октябрнинг новаторлик руҳи, қарийб етмиш йил мобайнида тўпланган тажриба бош сиёсий ҳужжатимиз — янги таҳрирдаги партия Программасида мужассам ифода этилган.

Авлодлар алоқаси, уларнинг революцион давомийлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланаверсин. Октябрь ғоялари ва иши асрлар бўйи яшайверишининг гарови мана шундадир!

### 1. Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш—Октябрь ишининг давоми

Ўртоқлар! Улуғ Ленин ташкил этган Коммунистик партиянинг революцион-ўзгартирувчилик фаолияти меҳнаткашларнинг социал озодлиги учун курашда бутун бир даврга татийдиган ғалабаларни таъминлади. Бу ғалабалар ҳаётга мустаҳкам сингиб кетди, тобора чуқур мазмун билан бойиб бормоқда. Қудратли социалистик давлат, тарихан янги типдаги цивилизация асослари барпо этилганлиги совет кишилари фидокорона меҳнатининг якуни бўлди. Эндиликда биз олға ҳаракат қилиш планларини ишлаб чиқиб ва амалга ошириб, эришилган ютуқларга дадил таяна оламиз. Эришилган ютуқлар эса зўр таассурот қолдириб, социализмнинг ижодий кучидан яққол далолат беради.

Октябрь революцияси, социалистик қурилишнинг шундан кейинги бориши буюк давлатимизнинг тақдири учун масъулиятни ғоят юксак даражада тўла-тўкис англаётган партия давлатни бошқариб бораётганлигини ҳаммага кўрсатди. Янги жамият барпо этиш баҳодирона куч-ғайратларни талаб этди. Бу йўлда мураккаб, машаққатли даврлар учраб турди, аммо ҳар гал партия, ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар янги марраларга кўтарилиш учун ички кучларни топавердилар. Ҳар бир ривожланиш босқичида, воқеаларнинг ҳар қандай бурилишларида КПССнинг социалистик тузум негизидаги мавжуд имкониятларни аниқлаб топиш, жамиятнинг муттасил тараққий этишини таъминлаб туриш учун омманинг ғайрат-шижоатини уйғотиш қобилиятини тарихнинг ўзи тасдиқлади. Владимир Ильич Ленин айтганидек бизнинг партиямиз «...революция учун зарур бўлган санъатни — объектив шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, илгариги йўлимиз ҳозирги давр мақсадига номувофиқ бўлиб қолса, ярамай қолса мақсадга мувофиқ йўлни танлаб олиб, чаққон ҳаракат қилишни, ўз тактикамизни тез ва бирданига ўзгартиришни ўрганиб олди».

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми сиёсий раҳбарликнинг айни шундай ленинча санъатини яққол намойиш этди. Ҳа, биз тактикамизни ўзгартириб, стратегиямизни такомиллаштирмоқдамиз, биз мақсадимизга эришиш учун ўзгарган шароитларга мос келадиган энг мақбул йўлларни танлаб олмоқдамиз. Бинобарин, апрель Пленумининг энг муҳим аҳамияти шундаки, у мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга, совет жамияти турмушининг барча томонларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган стратегик йўлни белгилаб берди. Ўзини оқламаган, ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган нарсаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга қаратилган қатъий йўлдан борилмоқда. Новаторлик, ижодий ташаббускорлик, дадил изланиш йўлидан борилмоқда. Камчиликларни тўғридан-тўғри ва принципиал танқид қилиш учун кенг имконият очилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини жўш урдириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди арафасида партия ва мамлакатдаги муҳитни белгилаб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев қуйидагиларни таъкидлайди: «Партия олға сурган вазифалар актуал, мураккаб ва кенг миқёслидир. Биз улар тўғрисида рўй-рост ва амалий тарзда гапириб тўғри йўналишда катта қадам қўйдик, мамлакатни тарихий миқёсдаги силжишини амалга оширишга йўллайдиган тадбирларни белгиладик. Булар муносиб мақсадлар бўлиб, уларга эришиш учун кучни ҳам, билимларни ҳам, меҳнатни ҳам аямаса арзийди».

(Давоми иккинчи бетда).

